

“Ўзкимёсаноат” АЖда тизим корхоналари ёшлар маслаҳатчилари ва уларнинг координаторлари учун ўқув семинари бошланди.

// 12 mart 2024 йил

<https://special.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzkimyosanoat-azhda-tizim-korhonalar-yoshlar-maslahatcilar>



Ҳозирги кунда “Ўзкимёсаноат” АЖ тизим корхоналарида меҳнат қилаётган ёш ходимлар сони 5227 нафарни ташкил этади. Бундай катта ва салоҳиятли ёш жамоани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ва медисаводхонлигини ошириш, спорт ва интеллектуал танловларга жалб қилиш, қонунчиликдаги янгиликлардан хабардор қилиб боришда замонавий ва креатив ёндашув зарур. Бунинг учун улар билан бевосита фаолият юритадиган ёшлар маслаҳатчиларнинг билим-кўнижмаларини мунтазам ошириб бориш лозим.



[uzkimyosanoat](#)

[uzkimyosanoat.uz](#)

(+99878) 140-74-26

Ушбу мақсадда тизим корхоналари ёшлар маслаҳатчилари учун З кунлик ўқув семинари ташкил этилди. Семинарнинг ilk куни қизиқарли маълумотлар ва маъruzalарга бой бўлди. Даструрни "Ўзкимёсаноат" АЖ бошқаруви раиси маслаҳатчиси Санобар Абдурахманова очиб берди. Дастрраб, Жамият Юридик бошқармаси юристи Шоҳнур Синдаров мамлакатимизда олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари тўғрисида маъзуза қилди.



uzkimyosanoat



uzkimyosanoat.uz



(+99878) 140-74-26

Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жамшид Зикиров ёш ходимлар ўртасида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш борасида маъруза қилди.



[uzkimyosanoat](#)

[uzkimyosanoat.uz](#)

(+99878) 140-74-26

Ёшлар ишлари агентлиги мутахассиси Нилуфар Маткаримова ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида агентлик томонидан олиб борилаётган лойиҳалар, имтиёз ва имкониятлар ҳақида батафсил маълумот берди.



Журналист, медиатренер Мұхайё Сайдованинг медиасаводхонликни ошириш бўйича қилган маърузаси ёшларда катта таассурот қолдирди. Мутахассис ёшларга информацион хуружда рост ва ёлғон ахборотни фарқлай олиш, ахборотдан фойдалана олиш маданияти, танқидий фикрлаш, реклама ва пиар соҳасидаги билимлари билан ўртоқлашди.



uzkemyosanoat



uzkemyosanoat.uz



(+99878) 140-74-26

Фойдали ва муҳим билимларга бой маъruzalар давом этади.